

БАНК БИЗНЕС БЛОКИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МОДЕЛЛАРИ

Худоёров Ойбек Одилевич
ТДИУ мустақил татқиқотчиси
PhD, доцент

Аннотация: Мазкур тадқиқот ишида тижорат банкларининг блокини трансформация жорий этиш ва ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсад қилинганди. Шунингдек, тадқиқотда асосий фараз сифатида тижорат банклари трансформациясининг долзарблик даражаси ва иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари ўртасида ўзаро боғлиқлик борлиги белгилаб олинди. Мазкур фаразни исботлаш учун тадқиқот давомида тадиқот усулларидадан фойдаланган ҳолда, фаразнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқланади

Калит сўзлар: *Бизнес блок, трансформация, банк маҳсулоти, синдикатлашган кредит, инвестиция лойиҳаси, бизнес субъектлари*

Мазкур блок даромад келтирувчи ва миждоз кўзида банкни ифодаловчи блок бўлиб, трансформация қилишда қуйидаги стратегиялар амалга оширилади:

Кредитловчи бўлинма

- Банк хизматларини рақамлаштириш ва ривожлантириш мақсадида R2B/B2B платформаларини тадбиқ қилиш

Бугунги кунда банк хизматлари турли соҳаларга кириб бораётгани сабабли молия-кредит ташкилотларининг роли ортиб бормоқда ва улар фақатгина ҳамкор ёки оператив банк хизматини кўрсатувчи ташкилот эмас, балки унданда муҳимроқ иштирокчи сифатида шаклланиб бормоқда.

Мазкур стратегияда Ўзмилийбанкнинг ривожланмаган йўналишларини, яъни рақамлаштириш ва банк хизматларини модернизация қилиш билан биргаликда кучли томонлари яъни корпоратив миждозларга хизмат кўрсатиш секторини бирлаштириш режалаштирилмоқда. Бу эса Ўзбекистон банк секторида янги инновацион кўринишни акс эттиради.

Миллий банк секторида йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш потенциали ва тажрибасидан келиб чиқиб Ўзмилийбанкдан ташқари Ўзсаноатқуқрилишбанки ва Ипотекабанкни санаб ўтишимиз мумкин.

Бироқ, Марказий банкнинг нормативларида қўйилан чекловлар, тижорат банкларининг молиявий ҳолатлари, яъни ресурсларнинг ҳажми, банк капиталининг таваккалчиликка мутаносиблиги ва бошқа сабабларга кўра бугунги кунда инвестицион кредитлар борасида банкларнинг етарли имкониятлари мавжуд эмас.

Мазкур муаммоларни ечимларидан бири сифатида кредит синдикатларини кўришимиз мумкин.

Банк маҳсулоти сифатида синдикатлашган кредит амалиёти бугунги

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

кунда мавжуд бўлиб, ушбу маҳсулотда икки ёки ундан ортиқ банклар ёки бошқа молиялаштирувчи томонлар сифатида бир ёки ундан ортиқ қарз олувчиларга лойиҳа доирасида кредит бериш назарда тутилади. Ўз навбатида, бир қарз олувчи ва ўзаро қарз олувчилар бўйича таваккалчиликка қўйилган чекловларга ечим ҳисобланади ва банклар ўртасида ҳатарлар тақсимоти сифатида банкнинг ҳатарларни бошқариш сиёсатида ҳам қулайликлар яратади.

Синдикатлашган кредит амалиётнинг ушбу ижобий тарафларини инобатга олиб, стратегия доирасида ўз P2B/B2B электрон платформаларини ташкил этиш белгиланди.

Лойиҳанинг моҳияти – мижозларнинг айрим тоифаларига банк кредит хизматларини янада қулайроқ қилишдир. Банклар томонидан муайян сабабларга, шу жумладан ҳатарнинг юқорилиги, банк кредитлаш лимитининг чегараланганлиги ва бошқа сабабларга кўра ушбу лойиҳани молиялаштиришда имкони мавжуд бўлмаган тақдирда мазкур платформа ёрдамида қўшимча молиялаштирувчи тарафларни аниқлаш имкони мавжуд бўлади. Платформага лойиҳа ташаббускори билан келишилган ҳолда жойлаштирилади.

Шунингдек, лойиҳанинг бир қисми ҳорижий молия ташкилотлари ҳамда инвестор сифатида жисомоний шахслар томонидан тўғридан-тўғри молиялаштириш имконини ҳам яратади.

Убугунги кунда Ўзбекистонда B2B кўринишида кредитлаш амалиёти кўлланиб келинмоқда. Бироқ, синдикат ташкил этиш мақсадида қўшимча молиялаштирувчи тарафларни аниқлаш механизми бугунги кунда миллий банк секторида яхши ривожланмаган. P2B кўринишида кредитлаш амалиёти эса мавжуд эмас.

Ушбу платформада фақат йирик лойиҳалар эмас, балки барча турдаги инвестиция лойиҳалари иштирок этиши мумкин. Кичик инвестиция лойиҳаларининг платформада иштирокига банклар томонидан ҳатарларни бошқариш сиёсати талаблари сабаб бўла олади.

Ўз навбатида синдикатлашган кредит шартларига мувофиқ молиялаштиришга йўналтирилган маблағларнинг қайтирилиши бўйича ҳатарлар ҳар бир иштирокчи томонидан инвестиция маблағларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Синдикат кўринишида молиялаштиришда етакчи банк томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

- бошқа молиялаштирувчи тарафлар каби қарз олувчининг молиявий ҳолати ва инвестиция лойиҳасининг ўзини-ўзи қоплашини таҳлил қилиш;
- Лойиҳа бўйича ахборотлар шакллантириш ва меморандум тайёрлаш;
- Бошқа молиялаштирувчи томонларни аниқлаш.

Мазкур онлайн платформа яратилиши орқали банкнинг кредитлаш амалиёти янги тус ола бошлайди, амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларига муқобил шартлар асосида молиялаштириш манбаларини жалб қилишда қўшимча қулайликлар яратилади ҳамда ўз навбатида

Ўзбекистон банк тизимининг ривожланишига туртки бўлади.

Кредитлаш жараёнини такомиллаштириш

Юқорида келтирилган Сбербанк мисолида банк кредитлаш йўналишини трансформация қилиш орқали кредит ҳужжатларини кўриб чиқиш жараёни 10 баробарга тезлаштирилганини кўришимиз мумкин.

Ўзмилийбанк мисолида эса “Кредит фабрикаси” эмас, балки худуд талаб ва таклифлари, банк фаолияти спецификасидан келиб чиқиб, уникал кўринишда ўзгариш амалга оширилиши лозим.

Бугунги кунда, Ўзмилийбанкда кредитлашнинг ички жараёни қатор номаъқулликларга эга. Шу жумладан, мижознинг йирик, кичик ёки ўрта бизнесга алоқадорлигидан қатъий назар, сўралаётган кредит маҳсулотидан келиб чиқиб банкнинг ички бўлинмалари бўйича тақсимланади.

Мисол учун, бир йирик корхона йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мақсадида кредит маблағларини жалб қилиш юзасидан мууроожат қилса, банкнинг йирик инвестиция лойиҳалари билан ишлаш бўлинмалари томонидан кўриб чиқилади. Айнан шу ташкилот айланма маблағлар учун кредит, савдони молиялаштириш ёки банк кафолати бўйича муурожаат қилса ўз навбатида мазкур кредит маҳсулотлари бўйича масъул бўлинма томонидан кўриб чиқилади.

Натижада бир лойиҳани молиялаштириш бўйича жараёнларнинг меъёрдан ортиқ кўпайиши, лойиҳа бўйича ягона кредит менеждери ўрнига қатор ходимлар жалб қилинишига олиб келади.

Банк кредитлаш жараёнини самарали олиб бориш ҳамда юқорида санаб ўтилган ноаниқликларни бартараф этиш мақсадида банкнинг юридик шахсларни кредитлаш механизмини қуйидаги кўринишда қайта ташкил этиш мақсадга мувофиқ:

- Кичик ва ўрта бизнес субъектлари билан ишлаш кредит бўлинмаси (Ўзмилийбанк мисолида – Кредит департаменти) – кичик ва ўрта бизнес тоифаларига кирувчи юридик шахсларга банкнинг барча кредит маҳсулотлари бўйича хизмат кўрсатиш (инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, айланма маблағларни тўлдириш, банк кафолати тақдим этиш, савдони молиялаштириш ва ҳ.к.);

- Йирик бизнес субъектлари билан ишлаш кредит бўлинмаси (Ўзмилийбанк мисолида – Лойиҳаларни молиялаштириш маркази) – йирик бизнес тоифаларига кирувчи юридик шахсларга банкнинг барча кредит маҳсулотлари бўйича хизмат кўрсатиш (инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, айланма маблағларни тўлдириш, банк кафолати тақдим этиш, савдони молиялаштириш ва ҳ.к.).

Стратегия доирасида мазкур чора-тадбирнинг амалга оширилиши мижозларга кўрсатиладиган банк хизматларининг сифати ва оперативлигига ўз ижобий таъсирини кўрсатишига, ходимлар ўртасида вазифа ва ваколатларнинг тўғри тақсимланиши ва ўз навбатида потенциал мижозларнинг ортишига сабаб бўлади ва ушбу ҳолат банк кредит портфелида ўз аксини ифодалайди.

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Чакана бизнес бўлиниши

Жисмоний шахслар учун Эскроу ҳисобрақамлари очиш ва улар бўйича хизмат кўрсатиш механизмини жорий этиш

Тижорат банклари чакана хизматлари аҳоли, шу жумладан банкда хизмат кўрсатилаётган ташкилотлар ходимлари учун оммавий ва стандарт кўринишдаги банк хизматлари ҳисобланади. Буларга пластик карталар, аҳоли омонатлари, истеъмол кредитлари бўйича кўрсатиладиган банк хизматлари кирилади.

Эскроу ҳисобрақамлар – бу махсус ҳисобрақам бўлиб, олди-сотти операцияларда икки томон учун зарур бўлган тўлов маблағларини, келишув тўлиқ амалга оширишга қадар, ўзида сақлаш ва бошқаришни ўз зиммасига олади.

Бу ўз навбатида маблағларни ҳисоб рақамида ушлаб туриш орқали, келишувни янада хавфсиз бўлишига имкон яратади, тўлаб берилиши эса фақат шартноманинг барча шартлари бажарилган сўнг амалга оширилади.

Республика аҳолиси орасида иккиламчи бозордан кўчмас-мулк ва автомобиллар сотиб олиш амалиёти кўп қўлланилади. Айниқса ишлаб чиқаришлаган санаси 1 йилдан ортмаган авто-мототранспорт воситаларини учинчи шахсларга расмиллаштирилишидаги давлат божи тўловларининг бекор қилиниши тўғрисидаги ҳукумат қарорларининг тасдиқланиши бу жараёнга яна қўшимча туртки берди.

Мазкур олди-сотти жараёнларнинг тўлов қисмида инсон омили иштирок этади ва ўзи билан қатор ҳатарларни келтириб чиқаради. Бу эса эскроу ҳисобрақамлар очиш ва улар бўйича хизмат кўрсатиш механизмини жорий этиш учун асос бўлади.

Мазкур фаолиятдан банк манфаати сифатида ҳисобрақамга жойлаштирилган пул маблағлари ҳажми ҳамда муддатидан келиб чиқиб белгиланган фоиз миқдорида комиссия тўловлари олинади.

Ушбу банк хизмати трансформация стратегиясининг биринчи фазасида фақат жисмоний шахслар учун қўлланилиши белгиланади. Юридик шахслар учун эса, стратегиянинг биринчи фазаси муваффақиятли амалга оширилгандан сўнг кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Худоёров О.О. (2023). банк тизимини рақамлаштириш шароитида рақамламчи банк технологиларини жорий қилиш . образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 99–107. retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2788>
2. Худоёров О.О.,Эргашев А.Ж. "тижорат банклари баланسدан ташқари операцияларининг илғор хориж тажрибаси" vol. 2 no. 23 (2023): o'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. <https://bestpublication.org/index.php/ozf/article/view/7881>

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

3. Бабаева Г. Я., Султанова Д. А., Салиева С. А. Цифровой банкинг как одна из составляющих экономической безопасности //Бухгалтерский учет, анализ и аудит: современное состояние и перспективы развития. – 2020. – С. 17-20.
4. Умаров З.А. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Инновацион ривожлантириш нашриёт-матбаа уйи” 2021, 612 б.
5. Umarov, Z. (2018). OBJECTIVES OF THE PROVISION OF FINANCIAL STABILITY OF COMMERCIAL BANKS. *International Finance and Accounting*, 2018(2), 133.
6. Umarov Zafar. A, Toshpulatova Shakhruzoda. Sh. COVID-19 AND THE BANKING INDUSTRY IN UZBEKISTAN: IMPACT AND SOLUTIONS // *Austrian Journal of Humanities and Social Sciences*. 2020. №3-4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/covid-19-and-the-banking-industry-in-uzbekistan-impact-and-solutions> (дата обращения: 23.10.2023).
7. Худоёров О.О. (2023) Тижорат банклари балансдан ташқари операцияларининг илғор хориж тажрибаси. Vol. 2 No. 23 (2023): O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. <https://bestpublication.org/index.php/ozf/article/view/7881>
8. Махматқуллова Н.Г'. “Properties of borel sets” . “Innovation in technology and Science Education”, *Scientific journal*.2023. Vol.2.№14. P.169-175.
9. Ochilov, O. I. (2022). INVESTMENT QUALITY ANALYSIS IN BUSINESS ENTITIES. *Архив научных исследований*, 2(1).
10. Ochilov, O. (2022). ИНСОН КАПИТАЛИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ. *Архив научных исследований*, 2(1).
11. Ochilov, O. I. (2019). DEVELOPMENT OF METHODOLOGY FOR RECOGNIZING REVENUES FROM INVESTMENTS. In *Бухгалтерский учет, анализ и аудит: история, современность и перспективы развития* (pp. 96-99).
12. Ochilov, O. I. (2019). THEORETICAL BASES OF INVESTMENTS ACCOUNTING. In *БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ: ДОСТИЖЕНИЯ И НАУЧНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ XXI ВЕКА* (pp. 209-214).
13. Ochilov, O. I. (2018). METHODOLOGICAL ASPECTS OF FINANCIAL AND ECONOMIC PERFORMANCE ANALYSIS OF BUSINESS ENTITY. In *АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА, СТАТИСТИКИ И НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ* (pp. 26-34).
14. Юлдашев, Ж. А. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МИЖОЗЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ.
15. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Хо‘jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlarini. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 4 (2024), 754–759
16. Klichev Bakhtiyar Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 5(5), 241–248. Retrieved from <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906>
17. Kholdorov Sardor Umarovich. (2024). LIQUIDITY RISK MANAGEMENT IN THE BANKING SECTOR: CHALLENGES, STRATEGIES AND IMPLICATIONS. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 122–131. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3255>
18. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 86–94. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3251>
19. Qlichev, B. (2024). *Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda operatsion faoliyat tahlilining zarurligi. Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari,*

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Konferensiya to‘plami. Termiz, O‘zbekiston. 15-iyun 2024-yil.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11909171>

20. Yakypbaevich, I. J. ., Abrarovich, Y. J. ., Akhtamovich, H. S. ., & Bekmurodova. (2023). COMMERCIAL BANKING, CREDIT OPERATIONS, PROVISION OF COLLATERAL, ASSESSMENT MECHANISMS. *FAN, TA'LIM, MADANIYAT VA INNOVATSIYA JURNALI / JOURNAL OF SCIENCE, EDUCATION, CULTURE AND INNOVATION*, 2(4), 6–13. Retrieved from <https://mudarrisziyo.uz/index.php/innovatsiya/article/view/251>

21. Abdullayev, A., & Djamalov, H. (2023). ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF THE INTERNAL CONTROL SERVICE FOR THE FULFILLMENT OF TAX OBLIGATIONS OF ENTERPRISES. *Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology*, 8(4), 297-307.

22. Xudoyorov, O. O. (2023). Bank daromadlarini oshirishda masofaviy bank xizmatlarini tutgan o‘rni.

23. Odilovich, K. O. (2024). IMPACT OF REMOTE BANKING SERVICES ON BANK INCOME. *International Journal of Education, Social Science & Humanities*, 12(6), 82-86.

24. Majidov, J. K. (2019). Ways of improving management of credit portfolio at commercial banks. *International Journal of Research in Social Sciences*, 9(3), 725-736.

25. Мажидов Ж. (2024). Тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш бўйича хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. (2024). *Ustozlar Uchun*, 1(4), 1463-1467. <https://pedagoglar.org/index.php/02/article/view/3878>

26. Қличев, Б. (2021, май 21). Маҳсулот (иш, хизматлар) га баҳо шакллантириш масалалари. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647005>

27. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2024). ИШЧИЛАР ҚЎНИМСИЗЛИГИ ТАҲЛИЛИ. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 287–294. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3042>

28. Қличев, Б. (2021, май 21). Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги таҳлилин ташкил этиш. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10646960>

29. Қличев, Б. (2021, май 5). Ишбилармонлик фаоллиги индекси таҳлили. *Biznes-tahlilni rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari*. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647021>

30. Қличев, Б. (2022, сентябрь 16). Операцион фаолият таҳлилида харидор танлови асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари. Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647059>

31. Қличев, Б. П. (2022). Маҳсулот сотиш ҳажми таҳлилин такомиллаштириш масалалари. *Science and Education*, 3(5), 1719-1728.

32. Қличев, Б. (2022). КРІ ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1343>